



## Фракция фаолияти



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ИФОДАСИ ВА ҲИМОЯСИ

қонун лойиҳалари муҳокамасида асосий эътиборда бўлди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲДП ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КҮН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Йиғилишда фракция аъзолари, тегишли вазирлик ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Фракция ҳар бир қонун лойиҳасини ЎзХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, демократик ислохотларни

чуқурлаштириш жараёнида электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш нуктаи назаридан атрофлича муҳокамадан ўтказди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ЎзХДПдан сайланган депутатлар, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ХОДИМЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАМДА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

2-бет

## Бугунги сонда

Амалиёт, тажриба, таклиф

- СУД ФАОЛИЯТИДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

3-бет

Спорт

- ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК

ёшлар (U-19) ўртасида Осиё чемпионатида 2-тур ўйинлари

4-бет

## «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИ:

— ПАРТИЯМИЗ ЁШ АЪЗОЛАРИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИДА БИЛДИРИЛАДИГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА СУЯНАМИЗ. 2013 ЙИЛДА ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ БИЗГА ҲАМРОҲ ВА ЯҚИН КЎМАКЧИ БЎЛИШНИ ИСТАЙМИЗ. ШУ БОИС УНГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛДИК!

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220



Суратда: «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари.

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ШАКЛЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛТИ МИНГГА ЯҚИН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. УЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА ЯҚИНДАН КЎМАКЛАШАЁТИР.

Шу боис юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётди. Айни кунларда кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ана шу мақсадларни ўзда мужассам этган. Пойтахтимизда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида ижтимоий шерикликнинг шакллари кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқарув Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳаётга жорий этилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалда ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давра суҳбатида ижтимоий шериклик шакллари мазкур қонун лойиҳасининг муҳим йўналишларидан бири

эгани қайд этилди. Қонун лойиҳасида бу масалага алоҳида боб ажратилган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган мақсадли дастурларни ҳамкорликда амалга ошириш, соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, биргаликда турли тадбирлар ташкил этиш, ижтимоий аҳамиятга эга масалаларда ахборот алмашиш, мулоқот ва маслаҳатлаштириш йўлга қўйиш ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, эксперт гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда ижтимоий шерикликнинг шакллари кенгайтириш, унинг ҳар бир йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди. Қонунчи янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Тадбир

## АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН АНЪАНАВИЙ КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИДА АҲОЛИНИНГ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШИГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ТАДБИРЛАР (ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ, АДИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ, ТАНЛОВЛАР, КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ) ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Бугунги кунда республикада 12 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари бўлиб, улардан 14 таси ахборот-кутубхона маркази, 2863 таси ахборот-ресурс маркази, 9 мингдан зиёди давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли кутубхоналардир.

Бу муассасаларга замонавий бинолар қуриб берилаётгани, мавжудлари таъмирланаётгани, улар янги китоблар, электрон адабиётлар, компьютерлар билан таъминланаётгани, интернет-ZiyouNET каби замонавий ахборот тизимидан фойдаланишга шароит яратилганлиги китобхонлар сонини ошиб боришига, аҳолининг китобхонлик маданияти юксалишига хизмат қилаёти.

Ҳафталик доирасида «Ахборот-ку-

тубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга жорий этилишининг ҳолати ва бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган семинар ҳам бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ахборот-кутубхона муассасаларининг ходимлари катнашди.

Семинарда бу соҳада эришилган ютуқлар таъкидланиши билан бирга ахборот-кутубхона муассасаларини ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, уларнинг китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва халқро стандартлар даражасига қўтариш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Альбина ЖУМАНОВА

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ИФОДАСИ ВА ҲИМОЯСИ

қонун лойиҳалари муҳокамасида асосий эътиборда бўлди

Дастлаб «Микромолиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, шу орқали микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришдан иборат. Унда микромолиявий хизматлардан фойдаланувчи — қарз олувчилар, яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёр жорий этилмоқда. Унга қўра, бюротта берувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари тўғрисида мазкур ташкилотлар буюртма берувчига ишончли ҳақда тўлиқ ахборотни ёзма равишда маълум қилиши шартлиги белгилаб қўйилмоқда.

«Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам таҳлил қилинди.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тамойиллари, асослари, шакл ва услублари ҳамда бу фаолият би-

лан шугулланадиган органлар, уларнинг бу борадаги ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилмоқда. Тезкор-қидирув йўналишидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, мазкур жараёнда қонунийликка риоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатларини яратишга хизмат қилади.

Йиғилишда ЎзХДП фракцияси аъзоларининг тақлифи билан қонун лойиҳасидан ҳавола меъёрлар чиқариб ташлангани маълум қилинди.

Шунингдек, фракция тақлифи асосида «Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшилаши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилгани таъкидланди. Хусусан, қонун лойиҳаси орқали Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг қиритилган устав фондида давлат улуши бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўзлаштириш, растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-тароҳ қилиш мазкур корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ меъёр аниқлаштирилмоқда. Яъни, бунда «мансабдор



шахси», «мулкдори» тўғрисидаги қонун лойиҳаси аниқ таъриф берилди.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасидан ўтди. Фракция қонун лойиҳаси бозор ислохотларини ҳар томонлама чуқурлаштириш борасида қўйилган мақсад-вазифалар ижросига қаратилганини эътироф этди.

Алишер СОДИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароит яратиш, орқича маъмурий тўғирлиқни бартараф этиш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга ошириладиган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартиришни назарда тулади. Бу ЎзХДП электорати ҳисобланган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қўлида ҳунари бор, ўз ишини бошлаш ниятидаги вақтинча ишсиз кишилар учун янада қулайлик яратади. Мисол учун, қонун лойиҳасида рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни беришда «бир дарча» тамойилини жорий қилиш кўзда тутиляпти. Унинг моҳияти, тартиби ва буларнинг барчаси қонун лойиҳасида акс эттирилган.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам партия Дастури ижроси, шунингдек, электорат манфаатлари ифодаси ва ҳимоясини таъминлаш нуктаи назарларидан атрафли ҳужжатларни тақдим этади. Мазкур тамойилнинг жорий қилиниши иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш

## Фракция фаолияти

фаолиятига жалб этиш, янги иш ўринлари очилишини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ЎзХДП электорати манфаатларига тўлиқ мос келади.

Йиғилишда, шунингдек, «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам таҳлил этилди.

Абдуқаҳор ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши молия-банк тизимини янада ривожлантириш, иқтисодий ёта инвестиция фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Унда хусусий банк ва молия институтлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳамда кафолатларини белгиловчи меъёрлар жорий қилинмоқда. Мазкур меъёрларнинг ҳаётга татбиқи қилиниши, аввало, меҳнат бозорини кенгайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш имконини яратади. Шу билан бирга, аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш маблағларини фаоллаштириш, хусусий банклар ва молия институтлари томонидан кўрсатилмаган хизматлар кўламини кенгайтиради.

Ўзбекистон ХДП Сайлов диди дастурига биноан ижтимоий йўналтирилган демократик бозор ислохотларини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли манфаатлари ҳимояси йўлида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш тарафлари ва буларнинг барчаси қонун лойиҳасида акс эттирилган.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам партия Дастури ижроси, шунингдек, электорат манфаатлари ифодаси ва ҳимоясини таъминлаш нуктаи назарларидан атрафли ҳужжатларни тақдим этади. Мазкур тамойилнинг жорий қилиниши иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш

Фракция йиғилиши якунида муҳоама қилинган қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши қўллаб-қувватланди.

Тўлқин ТУРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА

фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий ташкилотлари олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйилганини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда гап кетганда, одамларнинг сиёсий ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларда фаол фуқаролик муҳожиясини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштирокитини таъминлаш, мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ишқий қўлини кучайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш каби муҳим вазифаларни қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя этиш борасидаги ишларга катта эътибор бераётгани таъкидланди.

Туман партия кенгашиimiz фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, — дейди ЎзХДП Охангарон туман кенгаши раиси Мухаджир Эргашева. — Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари, касба уюшмалари билан фуқароларнинг қўниий ижтимоий ҳимояси борасида қўниий ҳамкорлик қилиб келаяпти. Чунки, ушбу ташкилотларнинг вазифаси партияimiz дас-

турий мақсадлари билан ҳамкорлик бўлиб, улар билан ҳамкорлик ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни самарали қўллаб-қувватлашда, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутлади.

Дастурий мақсадларimiz рўёбга чиқишда фуқаролик жамияти институтлари билан бирга ишлаш яхши самара берапти, — дейди халқ депутатлари Охангарон туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Эгамберди Худойбердиев. — Электорат вакилларини ўйлан-тиратган масалаларни ҳал этиш, Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган муножаатларга ижобий ечим топишда, бу айниқса, қўл келмоқда. Ҳамкор ташкилотлар билан доимий равишда маҳаллаларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва семинар-тренинглар ўтказиб борамиз.

Ушбу тадбирларда мамлакатimizда кечяётган демократик янги билан мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қонунлар ҳақда атрафлича тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Тадбир якунида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бу борада ЎзХДП ташкилотларининг фаоллигини ошириш бўйича туман кенгашининг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

Мехрож ДАРХОНОВ

## Миллий матбуот марказида

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ КУЧАЙИШИ

кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдаланишга боғлиқ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИГА ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. БУ БОРАДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ИМКОНИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмиси томонидан ташкил этилган «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг роли» мавзусидаги давра суҳбатига шу ҳақда фикр юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзолари, Адлия вазири, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмиси хузуридаги ижодий кенгашлар аъзолари, ОАВ раҳбарлари, журналистлар, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишида оммавий ахборот воситаларининг олдидан турган вазифаларни ижросини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Таъкидландики, мамлакатimizда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгарилар билан давлат ва кўнчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқи этилиши жамоатчилик назорати институтининг таъмир-қиллиниши ошириш, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокитини кучайти-

**БУ ЎЗХДП ЭЛЕКТОРАТИ ҲИСОБЛАНГАН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ, ҚЎЛИДА ҲУНАРИ БОР, ЎЗ ИШИНИ БОШЛАШ НИЯТИДАГИ ВАҚТИНЧА ИШСИЗ КИШИЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ. МИСОЛ УЧУН, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА РУХСАТНОМА ХУСУСИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲУЖАТЛАРИНИ БЕРИШДА «БИР ДАРЧА» ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ КЎЗДА ТУТИЛЯПТИ.**

## ЎзХДП: электорат манфаати

# МЕҲР ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

ИНСОН ҲАМИША АТРОФДАГИЛАРИНИНГ ГАМХЎРЛИГИГА ИНТИҚ БЎЛИБ ЯШАЙДИ. ЎЗАРО ҲУРМАТ, БИР-БИРИГА ЁРДАМ БЕРИШ, МУҲТОЖЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КАСАЛМАНД, НОГИРОН ИНСОНЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШ, УЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ ТУШУНЧАЛАРИ ЖАМИЯТДА МЕҲР-ОҚИБАТ ТУЙҒУЛАРИ БАРҚАРОР БЎЛИШИНИ, ХАЛҚИМИЗГА ХОС МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА ЎТИБ БОРИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. ЭЪТИБОР, АЙНИҚСА, КЎНГЛИ ҲАҚИҚИ ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ. УЛАРДА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ УЙҒОТАДИ. ЎЗЛАРИНИ ЖАМИЯТНИНГ ТўЛАҚОНЛИ АЪЗОСИ СИФАТИДА ХИС ЭТИШЛАРИГА ИМКОН ЯРАТАДИ.

педагогика институтининг дефектология факультети юкори босқич талабалари келишиб машғулот ўтказишди. Куннинг иккинчи ярмида эса болалар учун шарҳдаги тарихий музейларга саёхат ташкил этилди. Бу орада бир неча ота-она фарзандлари борасида маслаҳат олгани келишди.

«Шанс» маркази ташкилотчиси Зайтуна Холиқовдан ташқари бу ерда яна уч нафар волонтер — кўнгилчилар ишлайди. Бугунги кунда марказ машғулотларида 35 ёшгача бўлган 70 нафар имконияти чекланган ёшлар мунтазам қатнашмоқда.

— Биз кўнгилчилар аслида ҳар қандай касб-ҳунар эгаси бўлишга иқтидорли аммо жисмоний имконияти чекланган ёшларни соғлом ҳаётга қайтарга олаётганимизда беҳад бахтиёримиз, — дейди Мубошира Муҳаммадиева. — Айниқса, уларга компютер саводхонлиги тўғрариға жууда ёқади. Шундай йўл билан ахборот дунёсининг кенг имкониятларидан барча тенгқурлари қатори фойдаланмоқдалар.

— Мана бир йилдирки биз Япониянинг «JAУКА» жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз, — дейди Зайтуна Холиқова. — Ҳозир Япониядан келган кўнгилчи волонтер ўзбек тилини ўрганмоқда. Шу ойдан бошлаш учун имконияти чекланган болаларга икки йил давомида махсус дастур асосида компютердан фойдаланиш бўйича сабоқ беради. Муштариё Набиева яқинда оила

Кўқондаги жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш «Шанс» маркази 2000 йилда ташкил толган. Ўтган давр мобайнида бу даргоҳда юзлаб ёшлар ҳунарни бўлди. Туғма ногирон болаларга, уларнинг оилаларига ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. Мазкур марказда ашра, рақс, компютер сабоқлари, хунармандчилиқ, тикувчилик ва ҳаётда зарур бўладиган бошқа касблар ўргатилади.

— «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» лойиҳаси асосида марказ ташаббуси билан Кўқон машиий хизмат коллежида 50 нафар гапириш ва эши-

тиш имконияти чекланган болалар тикувчилик ва пазандачилиққа ўқитилди, — дейди «Шанс» маркази раҳбари Зайтуна Холиқова. — Бундан ташқари марказимизда тикиш, ашула ва саводхонлик тўғрариғари бўлиб, уларда 24 нафар ёш шугулланмоқда.

Мухлис Раҳимовнинг гапириш ва эшитиш имконияти чекланган. У ҳам тенгдошлари қатори ушбу марказда тикувчилик касбини эгаллади. Шу кунларда эса жамиятнинг ўқув ишлаб чиқариш корхонасида қатнашган бўлиб ишламоқда.

Марказнинг ўқув зали кун бўйи банд. Биз бу ерда бўлган қони Кўқон

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Амалиёт, тажриба, таклиф

# СУД ФАОЛИЯТИДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, суд қарорларининг адолатли, қонуний ва асосли бўлишини кафолатлайди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ВАЗИФАЛАР ВА АНИҚ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.**

Хусусан, Концепцияда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Унда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» қонунини қабул қилиш зарурлиги асосланган беририлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги маълумоти ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очик қўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма назарда тутилган.

Мазкур конституциявий норма бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очик қўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши белгиланган. Булар давлат ёпиқ тижорат сирлари, шунингдек, фарзандликка олиш сирини билан боғлиқ ҳолатлар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига таалуқ

ли маълумотлар бўлиши мумкин. Жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар ҳам истисноли ҳолат ҳисобланади.

Суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги ва иш кўришнинг ошкоралиги чикаришда муҳим юридик кафолат вазифини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ошқора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Бинобарин, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёпиқ мажлисда қабул қилинган бўлиши шунинг учун судга қилинаётган муножизларнинг олдини олади.

Судда иш кўришнинг очик ва ошқоралиги таъминли суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши эса судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди. Масъулиятини оширади. Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очик ва шаффофлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида бу меъёр мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳуж-

## Миллий матбуот марказида ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТУРЛАРИНИНГ КўПАЙИШИ

янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда

«Ўзагроماشсервис» уюшмаси «Машина трактор паркларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича олиб борилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

— «Ўзагроماشсервис» уюшмаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 10 ноябрдаги қарори асосида ташкил этилган бўлиб, ҳозирда фермер ва деҳқон хўжалиқлари, қишлоқ хўжалиқи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кенг қамровли хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди уюшма раиси ўринбосари Нодир Раҳматуллаев. — Айни пайтда республикамизда ҳайдалаётган ер майдонларининг 35-40 фоизини ҳайдаш ва етиштирилаётган галла ҳосилининг 50-55 фоизини ўриб бериш МТП ҳисобидидаги техникалар ёрдамида бажарилаётган.

Маълумки, яқин пайтларгача республикамизда четдан келтирилаётган техникалар учун уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам четдан келтирилган ва бунинг учун катта миқдорда валюта маблағи сарфланган эди. Валютани тежаш мақсадида чет эл техникаларига талаб қилинадиган эҳтиёт қисмларни эндиликда маҳаллий шароитда тизимдаги қўшма ва таъмирлаш корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда мазкур корхоналар томонидан 200 дан ортиқ турдаги зарурий эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиб, туман МТПларида етказиб берилмоқда. Чунончи, Германияда ишлаб чиқарилган «Класс» фирмасидан олинган галла ўриш комбайнлари ва хай-

дов техникалари учун тизимдаги таъмирлаш корхоналари томонидан 20 хил турдаги эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилаётган. Шунингдек, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмларни қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, касаначилик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш орқали янги иш ўринлари яратилиши дустурга асосан 82 та янги иш ўрни барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 90 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, «Ўзавтосаноат» компаниясининг дилерлик корхоналари, бириктирилган банкларнинг туман бўлимлари ва «Ўзагроماشсервис» уюшмаси тизимдаги туман МТПлари таъсисчилигида ташкил этилган 152 та «Агротехсервис МТП» масъулияти чекланган жамиятларида кичик ҳажмдаги парранда ва чорвачилик бўлимлари, дорихона, сартарошхона, новвойхона, ветеринария шохобчалари, автомобилларга сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

## ХОРИЖ МИНОРА НОМИ

Ўзгартирилди

Яқинда Буюк Британия қироличаси Елизавета II ҳукмронлигининг 60 йиллиги мамлакатда кенг нишонланди. Аян шун юбилей муносабати билан Лондондаги машҳур Westminster минора соати «Биг Бен» қиролича Елизавета II шарафига расман «Елизавета минораси» деб ўзгартирилди.



Тарихдан маълумки, Елизавета II 1952 йили отаси қирол Ге-

орг VI вафотидан сўнг тахтга ўтирган. Мамлакатни бошқариш давомийлиги бўйича у қироллик оиласи тарихида иккинчи ўринни эгаллаб келаётди. Биринчи ўрин Британия Қироллигида 63 йил ҳукмронлик қилган қиролича Викториага тегишли, дейилади маҳаллий матбуот тарқатган хабарларда.

## МУДДАТИДАН АВВАЛ


кўнрақ чалгани учун

Хитой марказидаги коллеждардан бирида ишловчи 54 ёшли Сяо Юлуни жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган кириш имтиҳонлари пайтида имтиҳон тугамай туриб, муддатидан аввал, аниқроғи, имтиҳон вақти яқунлашишига 4 дақиқа-ю 48 сония қолганда қўнғироқ чалгани учун унинг устидан жиноий иш қўзғатишди, дея хабар беради «Reuters» АА.

Унинг бу хатти-ҳаракати туфайли абитуриентлар кириш имтиҳонлари топширишни охиригача яқунлай олмаганлар. Бу эса уларнинг паст баҳо олишларига сабаб бўлган.

Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик абитуриентларнинг онаналари таълим бўйича маҳаллий муассасага шикоят билан муножиз бўлишди.

Суд Сяо Юлунига бир йил му-



датга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди».

## АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИ

яқинида тамадди қилиш тақиқланди

Рим маъмурияти шаҳардаги архитектуравий ёдгорликлар ичиди, ёнида ва умуман атрофида сайёҳларнинг ҳамда маҳаллий аҳолининг тамадди қилишини тақиқловчи қарор қабул қилди.



Агар шаҳарда ноёб архитектуравий ишоотлар кўплигини инобатга оладиган бўлсак, дейилади «Мир новостей» газетаси чоп этган хабарда, демак, енгилгина тамадди қилиш ёпиқ чанқовбосди чой-хўрлик учун эндиликда улардан анча узоқларда жойлашган кафе ёки рестороанларга бориш керак бўлади.

Янги тартиб ташаббускори Жанни Алеманнонинг таклифига кўра, тартибни бузган одамга нисбатан эндиликда 650 доллар миқдорда жарима белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда бундай тақиқлов фақат Римдагина амалда қўлланылмапти. Венецияда, Флоренцияда ҳам бу каби тартиб жорий этилганига анча йиллар бўлди.



“Fitch Ratings” nufuzli xalqaro reyting agentligi  
“Agrobank” ochiq aksiyadorlik tijorat bankinging reyting darajasini

“BARQAROR”

deb baholadi

“Agrobank” ochiq aksiyadorlik tijorat banki  
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko’chasi 43  
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan



Суратларда: Гулрухсор FIDE президенти Кирсан Илжумзинов билан (2006, Турин).

**Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи!**

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ БЎЛГАН ГУЛРУХСОР ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИ-МИЗДАН БИРИ. У 6 ЁШИДА ШОҲМОТ ЎЙНАШНИ ЎРГАНДИ. ОТАСИ, ШОҲМОТ ЖОНКУЯРИ РИЗҚИДДИН ЭСОНБОВ УНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ. ГУЛРУХСОР ОТАСИ БИЛАН ТОШКЕНТГА КЕЛИБ, ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИНИ ТОМОША ҚИЛГАНИ ВА ЎША КУНДАН БОШЛАБ ШОҲМОТГА ЖИДДИЙ ҚИЗИҚИБ ҚОЛГАНИНИ ҲАМОН МИННАТДОР БЎЛИБ ЭСЛАЙДИ.

**МЕН ҲАМ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР БЎЛАМАН!**

*дейди чирчиқлик Гулрухсор Эсонбоева*

Гулрухсор қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчиликларида иштирок этиб, учта ёш тоифаси бўйича (2004 йил, 14 ёшгача; 2007 йил, 16 ёшгача; 2008 йил, 20 ёшгача) Ўзбекистон чемпиони бўлди. Бошқа йилларда эса мамлакат биринчилигида совринли ўринларни эгаллади. Бу унга китча ва жаҳон биринчиликларида, халқаро мусобақаларда қатнашиши учун йўлланма берди. У Италия, Франция, Жанубий Корея, Вьетнам, Эрон ва бошқа давлатларда бўлган шохмот мусобақаларида муваффақиятли донна сурди. Ҳозирги даврда 4 миллиард аҳолиси бўлган Осиё

қитъасида аёллар, айниқса, қизлар шохмотида юксалиш кузатиляпти. Шу боис қизларимизнинг қитъа чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаши осон бўлаётгани йўқ. Лекин Гулрухсор 2008 йили Эронда Ўзбекистон шохмот мактаби вакили юқори ўринларни эгаллашга қодир эканлигини исботлади. Осиё чемпионатида қўшимча кўрсаткичларга кўра 4-ўрин билан кифояланди. Унинг бронза медалини кўлга кiritиши учун ўндан бир бўлагича кўрсаткич камлик қилди. — Ўзбек қизларидан биринчи бўлиб Нафиса Мўминова халқаро гроссмейстер бўлди. Ўзбекистонлик қизлардан ик-

кинчи бўлиб, ким гроссмейстер бўлиши мумкин? — сўрайман ундан. — Шохмотдаги бундай юксак унвонга ҳозирги кунда кўплаб қизларимиз интилишяпти. Лекин мен иккинчи бўлиб гроссмейстер бўлишни истайман, — дейди у қатъий. Айни пайтда Гулрухсор Эсонбоева Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бошланғич таълим ва спорт факультетининг 3-босқич талабаси. Ўқшдан бўш вақтида у Чирчиқдаги 14-Меҳрибонлик уйида болаларга шохмот сирларини ўргатапти. **Асрор МҮМИН**

**ҚИЗЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА**

*маҳалла ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўғрақлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.*



Мурожаат 3ИЕ олган сурат.

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАСИ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА «ОРАСТА ҚИЗ – ОИЛА ГАВҲАРИ» КҮРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗДИ. УНДА ИШТИРОК ЭТГАН ҚИЗЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ЧЕВАРЛИК ВА ПАЗАНДАЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ.

— Танловда тўғрақларимизнинг энг фаол қизлари қатнашди, — дейди **Янги Сергели маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зумрад ЮСУПОВА**. — Қизларнинг танлов шартларини бажаришдаги интилишларини кўриб қувондим ва «Ораста қизлар» тўғрақи фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш бўйича режалар тузиб кўйдим. Чунки бу тўғрақлар балоғат ёшидаги қизларни мустақил ҳаётга тайёрлайди, рўзғор ишларига ўргатади. Кўрик-танловда фаол қатнашган қизлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Республика тиббиёт коллежида ҳам

«Ораста қизлар» тўғрақи аъзолари иштирокида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда интернет, кўл телефони ва веб-саҳифалардан тўғри фойдаланиш, кийиниш ва муомала маданияти, катта ҳаёт оstonасида турган қизларнинг вазифалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди, ҳаётини мисоллар келтирилди. — Бизнинг вазифамиз нафақат таълим бериш, айти чоғда ёшлар тарбияси учун ҳам масъулмиз, — дейди **директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Сайёра МАГДИЕВА**. — Коллежимиз ўқувчиларининг аксарияти қизлар. Шу боис уларни уй-рўзғорни саранжом-саришта туттиш, меҳмон қуттиш, пазандалikka ўргатадиган тадбирлар ўтказаялмиш. **Альбина ЖУМАНОВА**

**Тадбир**



**Оила ҳақидаги ҳикматлар**

Овқат пишириш, тикиб-ямаш, кир ювиш, болаларга қараш фақатгина аёлларнинг иши, буни қилиш эркак кишига уят деган ғалати, илдиз отиб кетган янглиш фикрлар мавжуд. Ваҳоланки, бунинг акси уятлироқ: ҳолдан тойган, қачон қарасанг нимжон ҳомиладор аёл зўр-базўр овқат тайёрлаётган, кир юваётган, касал боласига қараётган бир пайтда, кўпинча бекор юрган, вақтини бўлар-бўлмас ишлар билан ёхуд бутунлай бесамар ўтказаяётган эркакларга уят.

**Спорт**

**ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК**

*Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ёшлар (U-19) ўртасида ўтаётган Осиё чемпионати гуруҳларида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.*

ёшларимиз сўнги дақиқаларгача майдоннинг ҳар қарчида тўп учун астойдил кураш олиб боришди. Натижада ўйиннинг 90+4-дақиқасида Игорь Сергеев яна ўзини кўрсатиб, жамоасини мағлубиятдан кутқариб қолди — 2:2.

бугун бироз хотиржамликка берилди, — деди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмадҷон Мусаев. — Иорданияни кучли рақиб эканлиги ва ўйин осон бўлмаслигини билардик. Бугунги натижадан иккала жамоа бош мураббийи ҳам қониқмагани табиий. Айниқса, рақибимизда ғалаба қозониш учун имконият кўпроқ

эди. Аммо биз саросимага тушиб қолмадик ва ўйиннинг дуранг билан яқунланишини таъминлай олдик. Олдинда КХДР терма жамоасига қарши муҳим ўйин кутиб турибди. Энди йўл қўйилган хатокамчиликларни таҳлил қилиб, навбатдаги учрашувда албатта ғалаба қозонишга ҳаракат қиламиз.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда КХДР вакиллари Вьетнам терма жамоаси дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритди — 5:0. **Қолган гуруҳларнинг иккинчи тур ўйинлари эса куйидагича яқунланди:** «А» гуруҳи: **Кувайт — Япония — 0:1, Эрон — БАА — 1:1.** «В» гуруҳи: **Ироқ — Хитой — 2:1, Таиланд — Жанубий Корея — 1:2.** «D» гуруҳи: **Қатар — Саудия Арабистони — 2:4, Сурия — Австралия — 1:1.** Бугун ёшларимиз гуруҳдаги охириги ўйинни КХДР, Иордания футболчилари эса вьетнамликларга қарши ўтказди. Мазкур турда ҳамюртларимиз фақат ғалаба қозонсагина кейинги босқичга чиқади. **Эркин ХОЛБОБОВ**

**«Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!»**



«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақдим этади: биринчи маротаба ва фақат бир кун!  
2012 йил 10 ноябрь куни соат 19:00 да «Истиқлол» санъат саройида. Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродаги «Марди майдон» қўшиқлар фестивали ўтказилади.  
Мурожаат учун телефонлар: 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**

милий валютадаги янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:

**«КУЗГИ»**

- сақлаш муддати — 2 ой;
- бошланғич бадалнинг энг кам миқдори — 5 000 000 сўм;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади,
- омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 25 ноябрига қадар амалга оширилади.

**«САРМОЯ»**

- сақлаш муддати — 6 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 31 декабрига қадар амалга оширилади.

ШУНИНГДЕК, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ «МУРАББИЙ» ОМОНАТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2012 ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИГА ҚАДАР ВА «ИСТИҚЛОЛ» ОМОНАТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2012 ЙИЛНИНГ 31 ДЕКАБРИГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com Хизматлар лицензияланган

<b>ОБ-ҲАВО</b>	<b>08-09 — 11. 2012</b>
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-7 / -12    +17 / +22
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-10 / -15    +19 / +24
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-7 / -12    +20 / +25
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	-10 / -15    +20 / +25
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-7 / -12    +20 / +25
Тошкент шаҳри	-10 / -12    +23 / +25
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+5 / +4
Париж	+8 / +6
Москва	+3 / +2
Мадрид	+8 / +6
Пекин	+8 / +6
Канберра	-2 / -3
Рим	+10 / +9
Афина	+10 / +9
Токио	+16 / +14
Стокгольм	+2 / +3
Кейптаун	+12 / +11
Қоҳира	+18 / +16
Гавана	+23 / +23
Вашингтон	+3 / +5

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Оққўрғон туман транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи директори, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Ботир Шерказиевга укаси **Мухиддин Шерказиев**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

**MUASSIS:** Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

**BO'LIMLAR:**  
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. e-mail: **info@uzbekistonovozi.uz**

**Г — 1146 9522 nusxada bosildi.** **t — Tijorat materiallari** O'zA yakuni — 20.40 Topshirilgan vaqti — 23.45 **Sotuvda erkin narxda**

Navbatchi: **Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5